BUXORO VILOYATI ROMITAN TUMANI HOKIMINING QARORI

201000, Romitan tumani, Buxoro ko'chasi, 3-uy, tel: (65) 55-2-14-45, romitan.t@exat.uz

2022 - yil 6 - avgust 374-2-40-Q/22 Romitan tuman hokimligi

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғини тегишли ҳолатда сақлаш ва ривожлантириш, уларнинг ўтказиш қобилиятини ошириш, автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда автомобил йўллари ва кўприкларнинг соз ҳолда сақланишини таъминлаш мақсадида туман ҳудудидан ўтувчи айрим йўлларда оғир юк ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги ЎРҚ-348-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар" тўғрисидаги Қонунига асосланган ҳолда, Ромитан туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2022 йил 13 июл кунидаги хатини инобатга олган ҳолда.

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Ромитан туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг туман ҳудудидаги автомобил йўллари ва кўприкларни соз ҳолда сақлаш, улардан фойдаланиш муддатларини узайтириш ҳамда белгиланганидан ортиқ юкламаларга йўл қўймаслик бўйича 2022 йил 13 июл кунидаги хати инобатга олинсин.

2. Ромитан туман ҳудудида жойлашган, туман йўллардан фойдаланиш

унитар корхонаси томонидан хизмат кўрсатиладиган қуйида номлари келтирилган автомобиль йўллари;

- Давлат аҳамиятидаги 4р68 “Галаосиё ш - Ромитан ш - А-380 а/й” автомобил йўлининг 16 км. дан 30 км. гача бўлган ҳудуддаги 16,450 км, 18,090 км, 18,630 км, 19,010 км, 23,100 км, 25,040 км, 25,290 км. даги (яъни Ўтабек, Навбаҳор, Ифтихор, Пойжўй МФЙ) ҳудудлари,

- Давлат аҳамиятидаги 4р68 “а” Шахобча “Пешку қишлоғига” автомобил йўлининг 0 км. дан 3 км. гача бўлган ҳудуддаги 0,220 км, 0, 500 км, 1,350 км, 2,510 км. (Ўтабек МФЙ) ҳудуди,

- Маҳаллий аҳамиятидаги 4к-164 “а” шаҳобча “Ёмғир қишлоғига” автомобил йўлининг 3 км. дан 9 км. гача бўлган ҳудуддаги 3,1 км, 6,8 км, 8 км. даги (Қумработ, Ҳазортут, Навбаҳор) ҳудудлари

- Маҳаллий аҳамиятидаги 4к-167 “Дўрмон қ-Ҳазортут қ-Вағани қ-Ҳазорбоғ қ А-380 а/й” автомобил йўлининг 7 км. дан 10 км. гача бўлган ҳудуддаги 7,6 км. (Ҳазортут) ҳудуди,

- Маҳаллий аҳамиятидаги 4к-164 “Ромитан ш-Сарой қ-Чуқуркўл қ-Баландтепа қ” автомобил йўлининг 0 км. дан 7 км. гача бўлган ҳудуддаги 1,3 км. (Ромитан, Қалайчорбоғ, Муғонча) ҳудудларига ўққа тушадиган оғирлиги 8 тн. дан ортиқ юк автотранспорт машиналари кириши таъқиқлансин.

3. Туманга бошқа маъмурий ҳудудлардан кириб келадиган ўққа тушадиган оғирлиги 8 тн. дан ортиқ юк автотранспорт машиналари М37 “Самарқанд-Ашхобод-Туркманбоши” автомобил йўли орқали кириши ташкил этилсин.

4. А-380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” автомобил йўлининг таъмирланаётган 228-315 км. қисмларига ҳар хил турдаги қурилиш материаллари ва бошқа юклар лойиҳада кўрсатилган маршрут яъни М-37 “Самарқанд-Ашхобод-Туркманбоши” автомобил йўли орқали ташилиши йўлга қўйилсин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (И.Сатторов)га туман ҳудудидан ўтувчи автомобил йўлларда оғир юк ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чекланишлар тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарор “Ромитаннома” газетасида эълон қилинсин ҳамда

туман ҳокимлигининг Romitan.uz rasmiy veb-saytiga жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор бажарилишини назорат килиш туман ҳокимининг ўринбосари Ў.Мардонов ва туман ИИБ бошлиғи Ш.Ҳайитовлар зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **Barnoyev U. I.**